

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 663-ҳадис

663 – وَعَنْهَا: أَنَّ فَرِيشاً أَهَمَّهُمْ شَأْنُ الْمَرْأَةِ الْمَخْزُومِيَّةِ الَّتِي سَرَقَتْ، فَقَالُوا: مَنْ يُكَلِّمُ فِيهَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ فَقَالُوا: مَنْ يَجْتَرِيءُ عَلَيْهِ إِلَّا أُسَامَةُ بْنُ زَيْدٍ حِبُّ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ؟ فَكَلَّمَهُ أُسَامَةُ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَتَشْفَعُ فِي حَدِّ مَنْ حُدِّدِ اللَّهُ؟!» ثُمَّ قَامَ فَاحْتَطَبَ، ثُمَّ قَالَ: «إِنَّمَا أَهْلَكَ الَّذِينَ قَبْلَكُمْ: أَنَّهُمْ كَانُوا إِذَا سَرَقَ فِيهِمُ الشَّرِيفُ تَكْوَهُ، وَإِذَا سَرَقَ فِيهِمُ الضَّعِيفُ أَقَامُوا عَلَيْهِ الْحَدَّ!! وَإِيمُ اللَّهُ؛ لَوْ أَنَّ فَاطِمَةَ بِنْتَ مُحَمَّدٍ سَرَقَتْ لَقَطَعْتُ يَدَهَا». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 3475، م 1688].

663. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Ўғрилик қилган махзумлик аёл Қурайшни ташвишга солиб қўйди. «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга бу ҳақда ким гапира олади? Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам учун суюкли Усома ибн Зайддан бошқа ким ҳам бунга журъат қила оларди?» дейишди. Сўнг Усома у зот билан гаплашди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳнинг ҳаддларидан бири хусусида орага тушяпсанми?» дедилар. Кейин туриб, хутба қилиб, шундай дедилар: «Сизлардан аввалгилар ичларида обрўлилари ўғрилик қилса, уни тек қўйишгани, агар заифлари ўғрилик қилса, унга ҳадд қоим қилишгани учун ҳалок бўлишган. Аллоҳга қасамки, Муҳаммаднинг қизи Фотима ўғрилик қилса, унинг қўлини кесар эдим».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Ўғрилик қилган аёлнинг исми Фотима бинти ал-Асвад ал-Махзумия бўлиб, у машҳур Қурайш қабиласининг Бани Махзум уруғидан бўлган.

Қурайшликлар ўз обрўларини сақлаб қолиш учун воситачилик қилиб бўлса ҳам, жиноятчини жазодан қутқариб қолиш одатини бу ерда ҳам ишга солмоқчи бўлиб, воситачи излашган.

Усома ибн Зайд розияллоху анху Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг маҳбублари, яъни эркатойлари бўлганлиги учун у зот унинг гапини қабул қилишларини яхши билишган.

Усома ибн Зайд розияллоху анху ҳақиқатдан ҳам Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга ҳеч ким гапира олмайдиган гапларни гапира олишга журъати бор одам бўлганлар. Шунинг учун ҳам қурайшликлар у кишидан воситачиликни сўрашганда, дарҳол ўртага тушганлар. Аммо Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳақнинг олдида ҳеч нарсага эътибор бермас эдилар.

Аллоҳ таоло белгилаб қўйган жазо – ҳадд тўғрисидаги иш ҳокимга етиб борганидан кейин афв этилмайди. Агар ҳоким Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ўзлари бўлсалар ҳам, бу қоида ўз кучида қолаверади.

Ҳа, Ислом шариатида ҳокимнинг ўзигача етиб келган жиноий ишни афв этмаслиги ўта муҳим ишдир. Шунинг учун ҳам, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бу масалани Усома ибн Зайд розияллоху анхунинг ўзларига ёки қурайшликларга айтиб қўявермай, хутба қилиб, ҳаммага эълон қилдилар.

Исломда жиноятчи ким бўлишидан қатъи назар, ҳатто Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг қизлари бўлса ҳам, белгиланган жазони олиши шарт.

Мана бунинг номи «Қонун олдида ҳамма баробарлиги» дейилади. Бундай адолат эса, фақат Исломдагина бўлиши мумкин.

Ана шу тарзда Усома ибн Зайд розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан яна бир набавий дарс олдилар. Бу дарс ҳам бир умрга етарли дарс бўлди. Усома ибн Зайд розияллоху анху шундан сўнг умрларининг охиригача Аллоҳ таолонинг ҳаддларида ўртага тушиб, воситачилик қилмадилар.

Манба: hadis.islom.uz



